



СУГУРТА ТАШКИЛОТЛАРИ РИСКЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Сатторов Шоҳруҳ Махмуджон ўғли

Мустақил тадқиқотчи, Тошкент молия институти Таълим сифатини назорат қилиши

бўлими бош мутахассиси

Тошкент, Ўзбекистон. E-mail: shohruxs@list.ru

ORCID:0009-0005-3793-6712

MODERN METHODS OF ASSESSING THE RISKS OF INSURANCE ORGANIZATIONS

Sattorov Shokhrukh Makhmudjon ugli

Independent researcher, Chief Specialist of the Department of quality control of education of the
Tashkent Financial Institute

Tashkent, Uzbekistan. E-mail: shohruxs@list.ru

JEL Classification: G2, G22

Аннотация: Мазкур мақолада сугурта ташкилотлари фаолиятидаги мавжуд рисклар, рискни баҳолашнинг асосий мақсади, баҳолаш босқчилари шунингдек, рискни аниқлаши ва бартараф этишида қўлланиладиган баҳолашнинг замонавий усулларини танлашнинг хорижий методологияси бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Жумладан, Сугуртада рискларни баҳолашнинг статистик ва эксперт усуллари, молиявий барқарорликни йўқотиши рискини баҳолаш шкаласи таркибига кирувчи рисксиз (хавфхатарсиз), қабул қилинган риск, критик риск, катакстрофик риск зоналари, рискни баҳолашдаги халқаро усуллар рискларни таҳлил қилиши, стресс-тест, воқеалар дарахти, Монте-карло, Баес ишонч тармоғи ҳақидаги назарий фикр ва мулоҳазалар шакллантирилган. Баҳолаш усулларининг қиёсий таҳлили ўтказилди ва уларни қўллаши бўйича амалий тавсиялар шакллантирилди. Шу билан бирга, халқаро амалиётда рискларни баҳолашнинг янги стресс-тест усули, усулинг бир ўзгарувчан ва

мултифакториал омиллари ҳамда бир факторли ва кўп факторли моделлари, усулнинг афзаллик ва камчиликлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари сугурта бозорининг ривожланиб бориши мамлакат иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлар, валюта сиёсатини эркинлашуви ва ташқи иқтисодий алоқаларни рагбатлантиришига йўналтирилган қонунчилик-меъёрий асосларни такомиллаштириши билан чамбарчас боғлиқлиги, сугурта бозорининг ўсиши асосан сугурта компаниялари томонидан кўрсатилаётган ихтиёрий сугурта турлари ва ҳаётни сугурта қилиши соҳасида фаолият юритаётган сугурта компанияларининг сугурта фаолиятларини жадал олиб боришлари ҳисобига таъминланганлиги, мамлакатда баҳолаш фаолиятини сугурта фаолияти билан интеграциялаши муҳим омил бўлиб ҳизмат қилиши зарурлиги таъкидланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси сугурта бозорининг тузилиши, сугурта ташкилотлари сони, сугурта ташкилотларининг умумий устав

капитали, сугурта брокерлари сони, сугурта агентлари сони ҳақидағи умумий маълумотлар жадвал кўринишида тақдим этилган.

Abstract: This article presents the results of a study on the existing risks in the activities of insurance organizations, the main purpose of risk assessment, assessment invaders, as well as on the foreign methodology for choosing modern methods of assessment, which are used in determining and eliminating risk. Including statistical and expert methods of risk assessment in insurance, risk-free (risk-free) as part of the financial stability loss Risk Assessment Scale, accepted risk, critical risk, catastrophic risk zones, international risk assessment methods risk analysis, stress-test, event tree, Monte Carlo, theoretical opinions and considerations about The Baes trust network are formulated. A comparative analysis of assessment methods was carried out and practical recommendations for their application were formulated. At the same time, in international practice, detailed information about the new stress-testing method of risk assessment, one-variable and multifactorial factors of the method and one-factor and multi-factor models, advantages and disadvantages of the method are presented. In addition, the development of the insurance market is closely related to positive changes in the country's economy, the liberalization of foreign exchange policies and the improvement of legislative and regulatory frameworks aimed at stimulating foreign economic relations, the growth of the insurance market is mainly due to the types of voluntary insurance provided by insurance companies and the accelerated conduct of insurance activities, it is noted that the integration of valuation activities with insurance activities in the country should serve as an important factor, and general information about the structure of the

insurance market of the Republic of Uzbekistan, the number of insurance organizations, the total authorized capital of insurance organizations, the number of insurance brokers, the number of insurance agents is presented in the form of a table.

Калит сўзлар: ризк, ризкни баҳолаш усули, ризкни бошқарши, критик-риск зонаси, стресс-тест, Bayes ишонч тармоғи, тариф сиёсати, молиявий барқарорлик шкаласи, бир факторли модел.

Keywords: risk, risk assessment method, risk management, critical-risk zone, stress-testing, Bayes trust network, tariff policy, financial stability scale, one-factor model

Кириш. Суғурта миллий иқтисодиётни ривожлантиришга кўмаклашадиган, ижтимоий йўналтирилган ноёб барқарорлаштирувчи механизmdir. У мамлакатда мақроиқтисодий барқарорликка ижобий таъсир этиб, турли салбий омилларнинг таъсир даражасини пасайтиради. Ҳозирги вақтда суғурта фаолиятидаги иқтисодий ўзгаришлар тизимнинг мукаммаллашуви жараёнида учрайдиган баъзи камчиликлар мавжудлигини тавсифлайди. Шу билан бирга, суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш суғурта бозори фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бунда давлат суғурта такшилотларининг молиявий барқарорлиги устидан назоратни амалга оширади, компанияларни мажбурий лицензиялашни белгилайди, бу эса суғурта бозори механизмини самарали тартибга солиш имконини беради. Суғурта ташкилотлари бозор иштирокчиларига рискларни минималлаштириш орқали молиявий самарадорликни ошириш имкониятини тақдим этади.

Суғурта таваккалчиликларининг ёки улар гурухларининг ва улар билан боғлиқ мажбуриятларнинг умумий хусусиятларига мувофиқ суғурта соҳалари суғурта турларига (классларига) бўлинади. Суғурта турлари (класслари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади [2].

Суғурта фаолияти билан бир қаторда баҳолаш фаолияти ҳам ривожланган инфратузилмасини минтақаларнинг ўзгаришларида энг оптимал натижаларга эришиш учун зарур бўлган муҳим таркибий қисм ҳисобланади. Республикада баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилган, баҳолаш хизматлари бозорини ривожлантириш, амалга ошириладиган баҳолаш ишларининг натижалари ва холислиги учун жавобгарликни ошириш бўйича кенг кўламли ишлар қилинган [10]. Халқаро амалиётда баҳолаш бозор бошқарув тизимида муносиб ўринни егаллайди. Сўнгги ўн йил ичida рискни баҳолаш натижалари хусусий ва давлат секторидаги аксарият қарорлар учун асос бўлиб хизмат қилди. Рискларни баҳолашдан асосий мақсад корхонанинг молиявий барқарорлигини ва унинг рақобатбардошлигини таъминлашдир. Маълумки, ҳар қандай ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифаси фойдани ошириш ҳамда молиявий самарадорликга таъсир ўтказувчи рискларни минималлаштириш, фаолиятнинг муваффақиятли ишлашини таъминланшдан иборат. Рискнинг исталган вақтда вужудга келишини инобатга олсан, баҳоловчи аввало иқтисодий муҳитнинг жорий ҳолатини аниқлаши лозим. Бугунги кунда

мамлакатда баҳолаш хизматлари бозорида малака сертификатига эга мингга яқин баҳоловчилар меҳнат қилувчи икки юздан ортиқ баҳоловчи ташкилотлар фаолият юритаётганлиги баҳолаш фаолиятининг замонавий тадбирорлик, молия ва менеджер арсеналида ажралмас воситага айланадиган далолат беради [11,12].

Материал ва метод. Суғурта компанияларида суғурталашни амалга оширишдаги энг муҳим ва муаммоли жиҳат риск қўламини баҳолашдир. Чунки рискларнинг хато баҳоланиши натижасида суғурта компаниялари катта ҳажмларда молиявий йўқотишларга учрашига олиб келиши мумкин. Рискни баҳолаш ҳозирги кунда нафақат мамлакатимиз суғурта бозорида, балки жаҳонда ҳам мураккаб ва тадқиқ қилинишга муҳтоҷ йўналишдир. Мазкур тадқиқот ишини ёритишида аввало хорижлик олимларнинг суғурта рискларини баҳолаш мавзусидаги илмий назария ва тадқиқотлари ўрганилди. Ҳусусан, Ҳитойлик олимлар гурухи вакилларидан бири Хан Хаиён суғурта рискларини баҳолаш кўрсаткичларини уч даражага бўлган ҳолда таҳлил қилган, бунда биринчи даража 3 та кўрсаткични, иккинчи даража 9 та кўрсаткични, учинчи даража 30 та кўрсаткични ўз ичига олади [7]. Бундан ташқари Шуо Чен ва бошқалар пандемия шароитида суғурта рискларини баҳолаш ва такомиллаштириш борасидаги тадқиқотида COVID-19 авж олишидан олдинги ва кейинги даврдаги маълумотларни тадқиқ қилиш асосида суғурта бозоридаги ўзгаришларни тадқиқ қилишган [8]. Суғурта рискларини баҳолаш корхонанинг молиявий самарадорлигини барқарор эмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар хақида огохлантиради. Шунингдек,

мамлакатимиздаги иқтисодчилар ҳам мазкур тадқиқот ишига оид бир қанча мавзуларда ўз илмий назарияларини илгари суришган. Жумладан, иқтисод бўйича phd, доцент Гулирайхон Баймуратованинг фикрича рискларни баҳолашнинг концептуал ёндашувларни шакллантириш долзарб бўлиб, корхонанинг молиявий фаолияти натижаларига бевосита ёки билвосита

таъсир қиласи ҳамда рискларни бошқариш усулини танлашда бошқарув фаолиятининг асосий вазифаси эҳтимолий рискни баҳолаш ва таҳлил қилиш, уни кучайтирувчи омилларни аниқлаш ва рискларни камайтириш усувларини танлаш ҳисобланади деб талқин қилинади [9].

Амалиётда рискларни баҳолаш тизими уч босқичидан иборат.

Рискни аниқлаш - содир бўладиган салбий ходиса ва хавфлар рўйхатини шакллантириш

Рискни таҳлил қилиш - аниқланган рискнинг манбаи ва сабабларини ўрганиш ва уни таҳлил қилиш

Рискни баҳолаш - хавфнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ва зарар хажмини баҳолаш

1-расм. Рискни баҳолаш босқичлари¹

Рискни баҳолашнинг биринчи босқичи мавжуд хавфи аниқлашдир. Мазкур босқич якуний мақсадга эришишга таъсир қилиши мумкин бўлган хавфларни аниқлаш ва тавсифлашни ўз ичига олади. Иккинчи босқич, аниқланган хавфнинг вужудга келиш манбаси ва сабаби таҳлил этилса, учинчи босқичда рискнинг таъсири натижасида хосил бўлган зарарлар баҳоланади. Бунда, баҳоланаётган суғурта рискини мақбул, рухсат этилган ёки қабул қилиб бўлмайдиган деб ҳулоса қилинади [4]. Суғуртада хавфларни баҳолаш усули икки гуруҳга ажратилади:

- Статистик усул
- эксперт усул

Статистик усул рискни, зарар микдорини, ноҳуш ҳодисаларнинг юзага келиш эҳтимолини аниқлашга имкон беради. Ушбу усуслини қўллашда баҳоловчи учун катта хажмдаги маълумотлар манбаи мавжуд бўлиши зарур. Амалиётда асосан иккита статистик усул қўлланилади: сценарий таҳлили ва динамик молиявий таҳлил.

Сценарий таҳлили асосан молиявий зарарларни таҳлил қилишдаги асосий воситадир. Мазкур таҳлилда детерминистик моделлардан фойдаланилади [5].

Динамик молиявий таҳлил асосан стохастик моделлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бугунги кунда

¹ Тадқиқот асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

мазкур таҳлил ғарб компаниялари томонидан кўпроқ қўлланилмоқда.

Мазкур усул ҳақида дастлаб 1989 йилда Финляндия ва Англия олимлар гуруҳи ўз назарияларида келтириб ўтишган. Мазкур назария суғурталовчининг тўлов қобилияти ҳамда суғурта фаолиятида моделлаштиришнинг бутун еволюцияси учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. [4,6]. Динамик таҳлилнинг сценарий таҳлилидан афзаллиги суғурта мукофотлари, пул оқимлари, захиралар нуқтаи назаридан суғурта портфелини тўлиқ моделлаштириш имкониятидир.

Ушбу таҳлилни қўллаш ўз моҳиятига кўра комплекс таҳлилий усул ҳисобланиб у ёрдамида турли хил бизнес стратегиялар баҳоланади.

Ҳар қандай риск 2-расмда кўрсатилган тўртта (хавф-хатарсиз зона, мақбул зона, танқидий зона ва ҳалокатли хавф зонаси) зонадан бирига мос тушиши лозим. Баҳоловчи мазкур зоналар асосида корхонанинг бозор талабига, ривожланиш истиқболига қай даражада жавоб беради аниқлайди.



2-расм. Молиявий барқарорликни йўқотиш рискини баҳолаш шкаласи²

Халқаро амалиётда рискларни баҳолашнинг кўплаб усуллари мавжуд. Рискни баҳолаш жараёнида корхона фаолиятини таҳлил қилиш ва мукаммал натижага эриштирувчи усулни танлаш мухимдир. Амалиётда рискларни баҳолашнинг қуйидаги кенг тарқалган усуллари мавжуд: [5,6]

- стресс-тест;
 - воқеалар дарахтини таҳлил қилиш;
 - Монте-Карло усули;
 - Bayes ишонч тармоғи усули;
- Стресс-тест энг оммабоп усуллардан бири бўлиб, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мавжуд рискни баҳолашда мухим

² Тадқикот асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

аҳамият касб этади. Халқаро йирик хорижий баҳоловчи ташкилотлар стресс-тест усулидан фойдаланади ва уни рискларни баҳолашнинг энг мақбул ечими деб ҳисоблашади.

Стресс-тест усули риск омилларига кўра қўйдагиларга ажратилади:

- бир ўзгарувчан стресс-тест
- мултифакториал стресс-тест

Стресс тест усули икки хил модел билан ифодаланади.

1. Бир факторли модел - кўп фойдаланилади ва у мунтазам мониторинг ўтказиш учун қўлланилади.

2. Кўп факторли модел - ўтган давр маълумотлари асосида ёки фаразий (експерт баҳолари асосида) маълумотлар асосида қўлланилади.

Мазкур моделлар қўлланилганда гипотетик тестларни ўтказиш жараёни ижобий натижаларни беради. Амалиётда


мазкур усул тизимли (корреляция усули, Монте-Карло усули, стохастик моделлаштириш ва экстремал қийматлар назарияси) ва тизимли бўлмаган (субъектив усул, иккиласми омилларни ҳисобга олмаган ҳолдаги усул) стресс-тестларига бўлинади.

З-расмда келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, стресс-тест усулини амалда қўллаш ижобий натижалар келтиради яъни, усулдан фойдаланишнинг қулиялиги, уни доимий равишда мониторинг ўтказиш учун фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ҳамда комплекс омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш мажбуриятини талаб этмаслиги билан ажралиб туради .

Бошқа усуллар сингари, стресс-тест усули орқали рискни баҳолашнинг ижобий ва салбий томонлари мавжуд.



- Муайян омилнинг якуний натижага таъсирини баҳолаш имконияти
- График талқин
- Ҳисоб ишларининг соддалиги
- танланган бизнес моделининг заиф томонларини аниqlаш
- корпоратив бошқарувни такомиллаштириш
- рискнинг олдини олиш ва камайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш
- мавжуд захиранинг етарлилигини мониторинг қилиш



- қисқа муддатли характер
- ҳар бир омилни алоҳида кўриб чиқиш зарурлиги
- сифатли менежмент ҳисботи ва профессионалликни талаб этиши

3-расм. Стресс-тест усулиниң афзалик ва камчиликлари³

³ Тадқикот асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Натижалар. Суғурта бозорининг ривожланиб бориши мамлакат иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлар, валюта сиёсатини эркинлашуви ва ташқи иқтисодий алоқаларни рағбатлантиришга йўналтирилган қонунчилик-меъёрий асосларни такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Суғурта бозорининг ўсиши асосан суғурта компаниялари томонидан қўрсатилаётган ихтиёрий суғурта турлари ва ҳаётни суғурта қилиш соҳасида фаолият юритаётган суғурта компанияларининг суғурта фаолиятларини жадал олиб боришлари ҳисобига таъминланган [10]. Шу муносабат билан мамлакатда баҳолаш фаолиятини суғурта фаолияти билан интеграциялаш мухим омил бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда хорижий мамлакатларда молиявий ташкилотларнинг ҳолатини таҳлил қилишда стресс-тест усулини қўллаш амалиёти тобора оммалашиб бормоқда. Гипотетик стресс-тест, яъни субъектив ёндашув асосида стресс тестни синаш усули таҳлилини Россия Федерациясининг РЕСО-кафолат суғурта компанияси мисолида кўриб чиқамиз. Мазкур суғурта компанияси суғурта бозорида 26 йилдан зиёд вақт мобайнида фаолият юритиб 100 дан ортиқ суғурта хизматларини қўрсатиб келмоқда ҳамда Россия суғурта компанияларининг умумий рейтингида кучли бешликка кирган. Компаниянинг 2019-2020 йиллардаги фаолияти коронавирус пандемияси жараённида харид қилиш қобилиягининг пасайишига ва ҳаётни суғурталашдан ташқари суғурта мукофотлари қўрсаткичининг пасайишига олиб келди. Бундан ташқари аҳолининг тўлов қобилияти сезиларли пасайиши ва тадбиркорлик фаолиятидаги

маълум чекланишлар вужудга келди. 2020 йил апрел ойида "Россия Федерациясининг айрим қонун хужжатларига ўзгаришлар киритиши тўғрисидаги" 149-ФЗ-сон Федерал Қонуни қабул қилинди ва бу орқали суғурталовчилар ва полис эгалари ўртасида интернет орқали електрон маълумот алмасиши имконияти яратилди. Яъни суғурта компанияси суғурта шартномаларини тузиши ва суғурта тўловларини онлайн тарзда амалга ошириши мумкин этиб белгиланди. Бундан ташқари компанияда "РЕСО Mobile" мобил иловаси мавжуд бўлиб, бу компания мижозларига мавжуд суғурта шартномалари тўғрисида маълумот олиш имконини беради. Мазкур илова полис эгасига банк картаси ёрдамида тўлаш, суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисида маълумот бериш имконини беради. Аммо иловада ўз-ўзига хизмат қўрсатиш, ҳисоблаш амали мавжуд эмас. Агарда ушбу амал жорий этилса компания мижози исталган худуддан ҳар қандай суғурта тури учун суғурта полисини мустақил равишда ҳисоблаши ёки суғурта агентидан ёрдам сўраш учун дастурдан фойдаланиши мумкин бўлади. Бу ўз навбатида компания мижозлари базасини кенгайтиради ва суғурта шартномаларини тузиш харажатларини камайтиради [15].

Стресс-тест усули ташкилотнинг молиявий ҳолатини ва рискларни баҳолашнинг энг долзарб механизмидир. Бундан ташқари суғурта рискларини бошқариш ва баҳолаш соҳасидаги самарали тизим бўлиб, бизнесга хос бўлган рискларни мукаммал тушунишга ёрдам беради. Ушбу усул орқали зарур ҳаракатларни ўз вақтида бажаришга ва рискларни камайтиришга ёки олдини олиш учун хизмат қиласи.

Воқеалар дарахтини таҳлил қилиш усулини қўллашда дарахтнинг визуал,

график шаклидан фойдаланиш каби амалга оширилади. Жараён дарахтнинг яралиши каби дастлабки ҳодисалардан бошланади ҳамда сабаб ва оқибат муносабатлари занжири бўйлаб натижаларни ривожлантириш усуллари кузатилиди. Жараён ривожланишининг ҳар бир босқичида иккита натижа мавжуд бўлиб, бу тизимнинг тетикланиши ёки ишдан чиқишидир. Ушбу таҳлил аниқ қарорлар ёки ҳодисаларнинг еҳтимолий натижаларини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, мазкур усул доирасида воқеа-оқибат усули ҳам мавжуд бўлиб, унинг воқеа дарахти таҳлил усулидан асосий фарқи ҳодисалар занжири график тасвирларининг йўқлиги ва ҳар бир ҳодисанинг эҳтимолини баҳолаш имконияти мавжудлигидир.

Монте-Карло усули - стохастик жараённинг кўп сонли реализациясини олишга асосланган бўлиб, унинг эҳтимоллик хусусиятлари кўриб чиқилаётган муаммонинг ўхшаш қийматларига мос келади. Ушбу усул одатда аниқ маълумотларни олиш ёки детерминистик алгоритмлардан фойдаланиш имкони бўлмагандан кўлланилади. Бироқ, ушбу усул ёрдамида аниқ қарорларнинг мавжуд натижаларини таҳлил қилиш ёки ноxуш ҳодисаларни аниқлаш мумкин эмас.

Bayes ишонч тармоғи усули - график еҳтимоллик модели бўлиб, ўзгарувчилар тўпламини ва уларнинг еҳтимолий боғлиқликларини акс еттиради. Ушбу усул маҳсус графикаларга асосланган бўлиб амалиётда кенг кўлланилмайди. Шу сабабли бугунги кунда усулни янада ривожлантириш ва оммалаштиришга алоҳида еътибор қаратилмоқда. Агар ҳаётни сұғурталаш учун ишлаб чиқилган тарифларнинг шаклланишини хисобга олсак, улар сұғурталанувчи (мижоз) талаби асосида

пайдо бўлган деб айтиш мумкин. Ҳаёт сұғуртаси шартномаси учун соф тарифни ҳисоблаш учун сұғурталанувчининг мумкин бўлган рисклари билан боғлиқ бўлган асосий маълумотлар манбаси тўпланади. Булар, сұғурталанувчининг турмуш тарзи, саломатлиги ҳолати, ёши ва меҳнат фаолияти ҳақидаги батафсил маълумотлардир. Бундан ташқари Bayes тармоғи усули бўйича баҳолашда эксперт усули билан аниқланган шартли ва шартсиз еҳтимолликлар асосида амалга оширилади.

Мунозара. Сұғуртанинг асосий қоидалари куйидаги тушунчаларни ўз ичига олиши керак:

- сұғурта субъектлари;
- сұғурта обьектлари;
- сұғурта ҳодисалари;
- сұғурта таваккалчиликлари;
- сұғурта суммаси, сұғурта тарифи ва сұғурта мукофотини (сұғурта бадалларини) аниқлаш тартиби;
- сұғурта шартномаларини тузиш, бажариш ва тугатиш тартиби;
- тарафларнинг хуқук ва мажбуриятлари;
- заарларнинг ёки зиённинг микдорини аниқлаш тартиби;
- сұғурта товонини (сұғурта тўловини) аниқлаш тартиби;
- сұғурта товонини (сұғурта тўловини) амалга ошириш муддатлари, шунингдек сұғурта товонини (сұғурта тўловини) рад этиш асосларининг батафсил рўйхати ва бошқа қоидалар киради [2].

Сұғурта рискини баҳолаш жараёни аввало хавфларни олдиндан таҳлил қилиш билан бошланади. Юқорида келтирилган усуллар ёрдамида риск омилларини ва уларнинг таъсир натижаларини аниқлаш, шунингдек, маълум таъсирни таҳлил қилиш каби ҳодисаларни аниқлаш мумкин. Одатда, ноxуш ҳодиса бир ёки

бир нечта хавф омилларига ега. Нохуш ҳодисанинг юзага келиш моделини яратиш сценарий деб аталади ҳамда нолдан биргача бўлган еҳтимоллик билан амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Одатда дастлабки таҳлил зарарнинг катталигига қараб бир нечта ривожланиш сценарийларини кўриб чиқиш ва ажратишни талаб қиласди [11,12]. Ҳозирги вактда мамлакатимизда професионал баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантиришга ҳамда баҳоловчи ташкилотларга бўлган ишончни оширишга тўсқинлик қилаётган бир қанча элементлар мавжуд. Жумладан, баҳолаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш функциясини хусусийлаштириш соҳасидаги давлат бошқаруви органи зиммасига юклаш оқибатида баҳолаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш жараёнида юзага келадиган манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги, баҳоловчи ташкилотлар капиталининг энг кам микдорига бўлган юқори талабларнинг мавжудлиги професионал мутахассисларнинг баҳолаш хизматлари бозорига киришини чекламоқда, бунинг оқибатида баҳолаш ишлари сифати уларга, айниқса, бизнесни баҳолаш ҳамда банк ва суғурта фаолиятида ортиб бораётган талабларга мос келмаслигини кўрсатмоқда [1,3,13].

Хулоса. Суғурта (қайта суғурта) ташкилотлари ваколатли давлат органи томонидан белгиланган ички назоратга ва таваккалчиликларни бошқариш тизимиға

доир талабларга риоя этиши шарт [2]. Ваколатли давлат органининг талаблари суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан амалга оширилаётган фаолият турининг тизимли аҳамиятини, ўзига хос хусусиятини, кўлами ва мураккаблигини инобатга олади. Суғурта рискларни баҳолашнинг кўплаб усуллари мавжуд. Юқорида келтирилган таҳлилий маълумотлар асосида енг кўп кўлланиладиган дастлабки таҳлил қилиш, воқеалар дарахти, стресс-тест, Monte-Kарло ва Bayes ишонч тармоғи усулларини кўриб чиқдик. Таҳлилий маълумотлар стресс-тест усулини энг оммавий усул эканлигини кўрсатмоқда. Халқаро ҳисоб-китоблар банки маълумотларига кўра, стресс-тест усулидан фойдаланиш техникаси турли молия институтлари томонидан истисно этилсада, бироқ содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни (рискни) баҳолаш учун кўлланиладиган кўплаб усулларни ўз ичига олади.

Халқаро амалиётда кенг тарқалган усулларни таҳлил қилиб, рискни юқори аниқлик билан баҳолаш ва мумкин бўлган салбий таъсири даражасини аниқлаш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик. Рискларни баҳолашнинг зарур усулини танлашда маълум бир вактда мавжуд бўлган ҳолатларга амал қилиш зарурлигини бу эса баҳоловчига бошқарув карорларини қабул қилишда энг долзарб ва зарур маълумотларни топиш имкони мавжудлигини кўриб чиқдик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-811-1-сон Қонуни
2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-730-сон Қонуни.



3. Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2020 йил 1 майдаги 01/11-15/62-сон “Ўзбекистон Республикасининг ягона миллий баҳолаш стандартини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи
4. Барабанова В., Совершенствование стандартов оценки платежеспособности страховщиков. Опыт центрально-восточной Европы. Страховое дело. – 2019. №1
5. Глотова И., Томилина Е. Современные методики оценки рисков страховых организаций. “КАНТ” научный рецензируемый журнал. 2020 г. №4.
6. Ромашенко Б. Финансовые риски и методы их оценки. КАНТ научный рецензируемый журнал 2014 г. №2.
7. HAN Hai-yun. Research on Standardization Method of Risk Assessment for Fire Public Liability Insurance in Assembly Occupancies and Underwriting Auditing. The 5th Conference on Performance-based Fire and Fire Protection Engineering. Procedia Engineering 11 (2011) 120–126.
<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1877705811008241>
8. Shuo Chen, Zhuoer Lin, Xuanyi Wang, Xian Xu. Pandemic and insurance purchase: How do people respond to unprecedented risk and uncertainty? China Economic Review. Volume 79, June 2023, 101946.
<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S1043951X23000317>
9. Баймуратова Г.Т. О некоторых вопросах оценки финансовых рисков страховых организаций. International Finance and Accounting. Issue 2, 2020 1-14 стр.
10. Шеннаев Х. Суғурта иши. Ўкув қўлланма. - Тошкент: IQTISOD-MOLIYA , 2014. 248 б.
11. Хомитов К., Хомитова К., Кўпайсинова Л. Мулк қийматини баҳолаш Ўкув қўлланма. – Тошкент: Тахририй-нашириёт, 2023. 350 б.
12. Хомитов К., Қосимова С. Кўчмас мулк қийматини баҳолаш. Ўкув қўлланма. Тошкент: Iqtisod-moliya, - 2018. 150 б
13. Носиров Э., Шовкатов Н., Актамов Б. Баҳолаш иши. Тошкент: Nihol Print, 2021. 250 б.
14. Шоҳаъзамий Ш. Мулк, қиймат ва нархнинг назарий асослари. Дарслик. Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2018. 492 б.
15. Шоҳаъзамий Ш. Замонавий мулк, унинг бозорлари тизими ва мултифани. Ўкув қўлланма. Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2016. 268 б.
16. <https://www.lex.uz>
17. <https://imda.uz/oz>
18. <https://reso.ru/>